

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/04.03.2022.Tib.95.02РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АБДУЛАЗИЗХОЖИЕВ БОБУР РАСУЛЖОН ЎҒЛИ

**ВИРУС ЭТИОЛОГИЯЛИ ЖИГАР ЦИРРОЗИДА РИВОЖЛАНГАН
ХЕПАТОРЕНАЛ СИНДРОМИДА БУЙРАКДАГИ ЎЗГАРИШЛАРНИ
ЭРТА ТАШХИСЛАШ ВА КОМПЛЕКС МУОЛАЖАЛАР ТАЪСИРИНИ
БАҲОЛАШ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

АНДИЖОН -2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Абдулазизхожиев БобурРасулжон ўгли

Вирус этиологияли жигар циррозида ривожланган гепаторенал синдромида буйракдаги ўзгаришларни эрта ташхислаш ва комплекс муолажалар таъсирини баҳолаш..... 3

Абдулазизхожиев Бобур Расулжон угли

Ранняя диагностика изменений почек и оценка комплексного лечения гепаторенального синдрома при циррозе печени вирусной этиологии..... 29

Abdulazizkhozhiev Bobur Rasuljon ugli

“Early diagnosis of kidney changes and evaluation of complex treatment of hepatorenal syndrome in cirrhosis of the liver of viral etiology” 56

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 59

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИLMИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/04.03.2022.Tib.95.02РАҚАМЛИ ИLMИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АБДУЛАЗИЗХОЖИЕВ БОБУР РАСУЛЖОН ЎҒЛИ

**ВИРУС ЭТИОЛОГИЯЛИ ЖИГАР ЦИРРОЗИДА РИВОЖЛАНГАН
ГЕПАТОРЕНАЛ СИНДРОМИДА БУЙРАҚДАГИ ЎЗГАРИШЛАРНИ
ЭРТА ТАШХИСЛАШ ВА КОМПЛЕКС МУОЛАЖАЛАР ТАЪСИРИНИ
БАҲОЛАШ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

АНДИЖОН -2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/Tib195рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати учта (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) тилда Илмий кенгаш вебсаҳифасида (info@adti.uz) ва «ZiyoNet» (www.ziyo.net) ахборот таълим порталида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Жўраева Мохигул Азимжановна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Гадаев Абдуғаффор Гадаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Салахидинов Адилжон
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат стоматология институти

Диссертация ҳимояси Андижон давлат тиббиёт институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.04/30.12.2019.Tib.95.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Отабеков кўчаси, 1-уй; Тел/факс: (+998) 74-223-94-50, e-mail: info@adti.uz).

Диссертация билан Андижон давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Отабеков кўчаси, 1-уй; Тел.: (+998) 74-223-94-50.

Диссертация автореферати 2023 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2023 йил «___» даги _____ -сонли баённомаси).

Х.Х. Турсунов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Д.З. Мамарасулова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Н.С. Мамасолиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
ҳузуридаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда иқтисодий ривожланган мамлакатларда 35-60 ёшлар орасида жигар касаллилари ўлим кўрсаткичининг олтига асосий сабабларидан бири ҳисобланади. Ҳар 100 минг аҳолига 14-30 киши тўғри келади. Дунёда ҳар йили 1.4 миллион киши жигар циррози (ЖЦ) ва унинг асоратидан вафот этади. Энг хавфли асоратлардан бири аксарят ҳолларда ўлимга олиб келувчи гепаторенал синдром (ГРС) ҳисобланади. Гепаторенал синдром ўткир ва сурункали жигар касаллиги оқибатида жигар етишмовчилигига эга бўлган беморларда буйракнинг оғир асорати ҳисобланади, бундан ташқари, буйрак етишмовчилигига олиб келадиган буйрак касаллигининг бошқа сабаблари кузатилмайди. Гепаторенал синдромда буйрак морфологик жиҳатдан деярли ўзгармайди, мезангиал ҳужайралар миқдорининг қисқариши аниқланади.

Жаҳонда ГРС ўрганишга бағишланган айрим кузатувлар мавжуд. Уларга кўра тахминан ЖЦ га чалинган 18% беморда касалликнинг дастлабки йилларида ГРС ривожланиб, бешинчи йилига бориб 39% га етади. Асцит бўйича касалхонага ётқизилган 17% беморда ГРС ташхисланган, ундан ташқари, ушбу гуруҳда касалхонадаги ўлим 50% дан ошган. Бактериал инфекция ёки сепсис, юқори ҳажмли парацентез, ошқозон ичакдан қон кетиш, нефротоксик дори воситалари ёки диуретиклардан интенсив фойдаланиш сингари мойиллик яратувчи омиллар мавжудлигида жигар етишмовчилигининг компенсацияланган шакли кузатилган беморларда ГРС ривожланиши тасдиқланган. ГРС нинг клиник симптомлари бу ўсиш, азотемия, шиш синдроми, асцит, сийдик осмолярлигининг ортиши ва гипонатриемия ҳисобланади. Тўпланган клиник маълумотларни тушуниш 2005 йили Сан-Франциско бўлиб ўтган анжуманда ГРС нинг янги диагностик мезонларини ишлаб чиқилган, ва Халқаро асцит клуби таркибига кирувчи махсус гуруҳ томонидан тавсия қилинган.

Республикаимиз тиббиёт ходимлари олдида соҳани, шу жумладан, ошқозон ичак тизими, жигар ва буйрак касалликларини эрта аниқлаш ҳамда даволашни янада мувофиқлаштириш ва халқаро стандартлар талабларига мослаштириш борасида қатор вазифалар қўйилган ва ушбу йўналишда ижобий ишлар олиб борилмоқда. "... Мамлақатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизматини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни олдини олиш..."¹ каби вазифалар белгиланган. Улар аҳоли орасида турли касалликлар ва улар туфайли юзага келадиган асоратларни эрта ташхислаш, уларни олдини олиш ҳамда беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш имконини беради.

¹2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон "2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг таракқиёт стратегияси тўғрисида"ги Фармони

Мазкур диссептация иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон “Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ва 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-215-сон “Бирламчи тиббий – санитария ёрдамиди аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёнинг турли мамлакатларида жигар циррози ва унинг асоратларига бағишланган илмий кузатувлар олиб борилмоқда [1- Ивашкин В.Т., 2014; Tandon P., 2022] ҳамда хорижий мамлакатлар нашрларида кенг ёритилмоқда.

Жигар циррози белгилари турли – туман бўлиб узоқ йиллар ўткир гепатит ва жигарнинг сурункали яллиғланиш касалликлари кўринишида кечиши мумкин. Тахминан 20% беморларда жигар циррози ташҳиси улар ўлгандан сўнг аутопсияда аниқланади [Богушевич С.А. 2013].

Беморларнинг шикоятлари ва касалликнинг клиник намоён бўлиши жигар ҳужайра етишмовчилиги, портал гипертензия синдроми ва унинг оқибатида юзага келадиган асоратлар ҳамда этиологик омил таъсирида кузатиладиган тизимли, иммун ва метаболик зарарланишлар билан боғлиқ. Аксарият ҳолларда касаллик яширин ва минимал ўзгаришлар ёки циррозга хос бўлмаган белгилар билан кечади.

Унинг декомпенсация босқичи касалликнинг яққол клиник белгилари билан намоён бўлиб беморларнинг ўртача умр кўриш давомийлиги икки йилдан ошмайди. Ушбу босқичнинг манифест ҳолатида қатор асоратлар кузатилиб касаллик прогнози улар билан узвий боғлиқ. Жигар энцефалопатияси, қизилўнғач ҳамда ошқозон кенгайган веналаридан қон кетиши, асцит (қориндаги суюқликни инфекцияланиши ёки усиз), гепаторенал синдром, гипонатриемия ва инфекцияга боғлиқ асоратлар шулар жумласига киради [Богушевич С.А., 2013, Дядык А.И., 2013.].

Ўтказилган бошқа бир кузатувда вирусли инфекция (С ва В гепатити вируслари) оқибатидаги жигар циррозларида алкоғоллисига нисбатан ўлим 3 маротаба кўпроқ кузатилган. Лекин ҳар иккала ҳолатда ҳам беморларда бир хилда жигар раки ривожланган [Белобородова Е.В. 2007.].

Жигар циррозининг кўп сонли асоратлари орасида энг кам ўрганилганларидан бири гепаторенал синдром ҳисобланади. Унга чалинган беморларнинг тахминан 15% асцит сабабли илк бор шифохонага ётқизилгандан сўнг 6 ой ичида, 40% да эса 5 йил оралиғида гепаторенал синдром ривожланган [Аmin AA, 2019]. Лекин республикаميزда аксарият

холларда ўлимга олиб келувчи жигар циррози асоратлари, жумладан, гепаторенал синдромга бағишланган илмий ишлар олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг илмий иш бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Андижон Давлат тиббиёт институтининг 254-ш рақамли 2021 йил буйруғи асосида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: Вирус этиологияли (гепатит В ва С вируслари негизида ривожланган) жигар циррозларида гепаторенал синдром хусусиятларини ўрганиш ҳамда буйрак дисфункциясини эрта ташхислаш ва комплекс муолажалар таъсирини баҳолаш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

➤ Гепатит В ва С вируслари негизида ривожланган жигар циррозига чалинган беморларда гепаторенал синдромни эрта ташхислаш мақсадида буйрак коптокчалари фильтрацияси тезлиги ҳолатини ўрганиш;

➤ Гепатит В ва С вируслари негизида ривожланган жигар циррозига чалинган беморларда гепаторенал синдромни эрта ташхислаш мақсадида буйрак функционал захирасини солиштирма ўрганиш;

➤ Гепатит В ва С вируслари негизида ривожланган жигар циррозларида пешобда IV тип коллаген ажралишини баҳолаш;

➤ Гепатит В ва С вируслари негизида ривожланган жигар циррозларида глутатион ҳамда эплеренон кўшиб ўтказилган комплекс муолажаларни буйраклар функционал захирасига таъсирини баҳолаш;

➤ Гепатит В ва С вируслари негизида ривожланган жигар циррозларида глутатион ҳамда эплеренон кўшиб ўтказилган комплекс муолажаларни сийдикдаги IV тип коллаген ажралишига таъсирини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти. Ушбу мақсадда жигар циррозига чалинган 124 нафар беморлар танланди. Уларнинг 60 тасида сурункали вирусли гепатит В ва 64 тасида касаллик сурункали вирусли гепатит С негизида ривожланган эди.

Тадқиқотнинг предмети. Беморларнинг веноз қони, унинг зардоби ва пешоби иммун ҳамда биокимёвий тадқиқотлар учун олинди.

Тадқиқотнинг усуллари. Умумклиник, асбобий, лаборатор, шу жумладан биокимёвий, иммунологик ва статистик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат: вирусли гепатит В ва С негизида ривожланган жигар циррозларида 0.45 % ли натрий хлор эритмаси юкламаси ёрдамида буйраклар функционал захирасини аниқлаб гепаторенал синдромни эрта, яширин босқичида ташхислаш мумкинлиги исботланган;

Вирусли гепатит В ва С негизида ривожланган жигар циррозларидакоптокчалар фильтрацияси тезлигини креатинин ёрдамида аниқлаш гепаторенал синдромда буйрак функционал ҳолатидаги ўзгаришларни эрта баҳолаш имконини бериши кўрсатилган;

Вирусли гепатит В ва С негизида ривожланган жигар циррозлари натижасида юзага келгангепаторенал синдромда жигар ва буйракдаги фиброз

жараёнлари муштаракликда кечиши илк марта сийдикда IV тип коллагенни текшириш ёрдамида тасдиқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

Сурункали гепатит В ва С негизда ривожланган жигар циррози оқибатидаюзага келган гепаторенал синдромда фиброз маркери IV тип коллагенни сийдикдаги миқдорини аниқлаш ўтказилаётган комплекс муолажалар самарадорлигини баҳолашда қўллаш мумкинлиги тасдиқланган;

Сурункали гепатит В ва С негизда ривожланган жигар циррози оқибатидаюзага келган гепаторенал синдромни комплекс даволаш режасида глутатион ва эплеренонни қўшиш ёрдамида уларнинг нефропротектив ва антифиброз таъсирида буйракдаги патологик жараёнлар барқарорлашиши исботланган;

Сурункали гепатит В ва С негизда ривожланган жигар циррози оқибатидаюзага келган гепаторенал синдромда даволашни буйракдаги ўзгаришга таъсирини назорат қилишда унинг функционал захирасини аниқлаш муҳим амалий аҳамиятга эгаллиги тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки вирусли жигар циррозлари негизда ривожланган гепаторенал синдромни ташхислашда буйракдаги патологик жараённи аниқлашда қўлланиладиган замонавий маркерлардан фойдаланиш унинг функционал захираси ҳолати ва фиброз жараёнларини эрта аниқлаш имкониятини яратган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, олинган натижалар асосида шаклланган тавсияларни амалиётга тадбиқ этилиши жигар циррозида кузатиладиган нефропатияларни ўз вақтида аниқлаб монанд даво чораларини қўллаш буйракдаги патологик жараённи мўътадиллаштириши, беморларни шифохонага қайта ётишлари сонини камайишига ва ҳаёт давомийлиги узайишига олиб келишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

1-Илмий янгилик

Илмий янгиликнинг моҳияти: вирусли гепатит В ва С негизда ривожланган жигар сиррозларида 0.45 % ли натрий хлор эритмаси юкламаси ёрдамида буйрақлар функционал захирасини аниқлаб гепаторенал синдромни эрта, яширин босқичида ташхислаш мумкинлиги исботланган.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: Сурункали гепатит В ва С негизда ривожланган жигар сиррози оқибатида юзага келган гепаторенал синдромда даволашни буйракдаги ўзгаришга таъсирини назорат қилишда унинг

функционал захирасини аниқлаш муҳим амалий аҳамиятга эгаллиги тасдиқланган. .

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Наманган вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази (12.12.2022 й.; №5), Фарғона вилояти Ўзбекистон ТТБ марказий шифохонаси (14.12.2022 й.; №4) амалиётга жорий этилди.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги куйидагилардан иборат: Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки вирусли жигар сиррозлари негизда ривожланган гепаторенал синдромни ташхислашда буйракдаги патологик жараёни аниқлашда қўлланиладиган замонавий маркерлардан фойдаланиш унинг функционал захираси ҳолати ва фиброз жараёнларини эрта аниқлаш имкониятини яратган.

Коптокчалар филтрасияси инфузия ёки суяқликларни меъридан ортик ичилганда, оксил миқдори юқори маҳсулотлар истеъмол қилганда ортишини ва жисмоний зўриқиш ҳамда салбий эмосиялар таъсирида камайишини ҳисоб олган ҳолда, ушбу кўрсаткични тўғри баҳолаш учун беморларни юқорида санаб ўтилган омиллардан холи қилдик. Сурункали буйрак касаллиги босқичлари замонавий тавсияларга мувофиқ аниқланди. 1-босқич – буйрак зарарланиши маркерлари мавжуд ва КФТ мейўрида ёки $u \geq 90$ мл/дақиқа/1,73 м² бўлганда. 2-босқич - буйрак зарарланиши маркерлари мавжуд ва КФТ 60-89 мл/дақиқа/1,73 м² бўлганда. 3а ва 3б босқичлар – КФТ мутаносиб равишда 45-59 ва 30-44 мл/дақиқа/1,73 м² пасайганда. 4 ва 5-босқичлар – КФТ мутаносиб равишда 15-29 ва <15 мл/дақиқа/1,73 м² пасайганда.

СКД-ЭПИ (Слронис Кидней Десеасе Эпидемиологй Соллаборатион) формулаларидан фойдаланиб креатинин ёрдамида ҳисоблаб топилган коптокчалар филтратсияси тезлиги ва унга асосланиб буйраклар функционал захираси аниқланди. Қонда креатинин миқдори ва унинг ёрдамида КФТ аниқлаш мақсадида веноз қон олиниб ундан сўнг тана вазнининг 0.5 % миқдорида 0.45 – 0.50 % ли натрий хлор эритмаси (ўртача 400 мл) ичишга буюрилди. Бемор ундан сўнг 1 соат давомида тинч ўтирган ҳолатда кузатилди. Бир соат ўтгач креатинин миқдорини аниқлаш мақсадида қайта веноз қон олинди ва куйидаги формула ёрдамида БФЗ аниқланди.

$$\text{БФЗ} = (\text{КФТ2} - \text{КФТ1}) / \text{КФТ1} \times 100 \%$$

КФТ1 – унинг бошланғич кўрсаткичи

КФТ2 – ўтказилган юкламадан кейинги кўрсаткичи

Олинган натижаларга қараб БФЗ сақланган (КФТ ўсиши 10% кўп бўлса), пасайган (КФТ 5-10% ораллиғида бўлса) ва захира йўқ (ўсиш 5% ва ундан кам бўлса) деб баҳоланди [Иванов Д.Д., 2019].

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги куйидагилардан иборат: вирусли гепатит В ва С негизда ривожланган жигар сиррозларида 0.45 % ли натрий хлор эритмаси юкламаси ёрдамида буйраклар функционал захирасини аниқлаб гепаторенал синдромни эрта, яширин босқичида ташхислаш мумкинлиги исботланган яъни киммат баҳо иммунофермент усуллардан фарқли уларо, арзон креатининни биохимик усулда аниқлаш 1 беморга 35000 сарф ва 120000 иқтисод қилинади.

Хулоса: Қондаги креатинин ёрдамида 0.45% ли натрий хлор эритмаси нокламаси берилиб аниқланган буйраклар функционал захираси кўрсаткичлари вирусли гепатит В негизда ривожланган жигар сиррозида $4,3 \pm 0,17\%$, унинг С шаклида $4,1 \pm 0,12\%$ га тенг бўлиб улар бир - биридан ишончли фарқ қилмади ($P > 0.05$) ва кўрсаткичлар захира йўқлигидан далолат берди.

Абдулазизхожиев Бобурбек Расулжон ўғлининг “Сурункали гепатит В ва С негизда ривожланган жигар сиррозларида комплекс муолажаларнинг гепаторенал синдромга таъсири” мавзусидаги услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 14 декабр ойидаги даги 8н-р 14/81-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсияномадан фойдаланиш гепаторенал синдромни эрта аниқлаш ва муолажаларни назорат қилиш имкониятини берилган

2-Илмий янгилик

Илмий янгиликнинг моҳияти: Вирусли гепатит В ва С негизда ривожланган жигар сиррозларида коптокчалар филтратсияси тезлигини креатинин ёрдамида аниқлаш гепаторенал синдромда буйрак функционал ҳолатидаги ўзгаришларни эрта баҳолаш имконини бериши кўрсатилган.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, олинган натижалар асосида шаклланган тавсияларни амалиётга тадбиқ этилиши жигар сиррозида кузатиладиган нефропатияларни ўз вақтида аниқлаб монанд даво чораларини қўллаш буйракдаги патологик жараённи мўтадиллаштириши, беморларни шифохонага қайта ётишлари сонини камайишига ва ҳаёт давомийлиги узайишига олиб келишига эришилган.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Наманган вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази (12.12.2022 й.; №5), Фарғона вилояти Ўзбекистон ТТБ марказий шифохонаси (14.12.2022 й.; №4) амалиётга жорий этилди.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: вирусли гепатит В ва С негизда ривожланган жигар сиррозларида коптокчалар филтратсияси тезлигини креатинин ёрдамида аниқлаш гепаторенал синдромда буйрак функционал ҳолатидаги ўзгаришларни эрта баҳолаш имконини берилди ва даволаш натижасида $4.1 \pm 0.2\%$ дан 5.09 ± 0.14 гача буйрак функционал захираси 18% яхшиланди; вирусли гепатит В ва С негизда ривожланган жигар сиррозлари натижасида юзага келган гепаторенал синдромда жигар ва буйракдаги фиброз жараёнлари муштаракликда кечиши илк марта сийдикда ИВ тип коллагенни текшириш ёрдамида тасдиқланганлиги, гепаторенал синдромни тўғри ташхислаш ва даволашда бир неча мутахассисда эмас, балки фақат гастроэнтеролог томонидан жигар сиррозини патогенетик терапия етарли ва даволашга ортикча сарф харажатлар иқтисоди эришилди;

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:
1) вирусли жигар сиррозида ривожланган гепаторенал синдромни эрта ташхислаш алгоритми ишлаб чиқилиб, вирусли В ва С жигар сиррозида ривожланган гепаторенал синдромда буйрак функционал ҳолатидаги

коптокчалар филтратсияси тезлигини креатинин ёрдамида аниқлаш гепаторенал синдромда буйрак функционал ҳолатидаги ўзгаришларни эрта баҳолаш имконини берилди ва бошқа қимматбаҳо текширувлардан фойдаланмаслик натижасида 1 нафар беморга гепаторенал синдромини диагностика қилиш учун маблағ сарфи 35000 сўмни ташкил этди ва бюджетдан ташқари маблағларни 120000 сумга иқтисод қилиш имконини берди; 2) вирусли гепатит В ва С негизида ривожланган жигар сиррозларида коптокчалар филтратсияси тезлигини креатинин ёрдамида аниқлаш гепаторенал синдромда буйрак функционал ҳолатидаги ўзгаришларни эрта баҳолаш имконини берилди ва даволаш натижасида 4.1 ± 0.2 % дан 5.09 ± 0.14 гача буйрак функционал захираси 18% яхшиланди бу эса беморни статсионарда ётиш кунлари қисқаришига олиб келган ва 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини ушбу усулда даволаш ва ташхислашни амалиётга тадбиқ этилишида кутилаётган маблағ сарфи 2 640 000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 1 870 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган

Хулоса: Пешобдаги коллаген ИВ кўрсаткичлари вирусли гепатит В негизида ривожланган жигар сиррозида $242.33 \pm 3,85$ мкг, унинг С шаклида $259,48 \pm 3,55$ мкг га тенг бўлиб улар бир - биридан ишончли фарқ қилди ($P < 0.001$) ва кўрсаткичлар сўнги гуруҳ жигар сиррозида юқорилиги тасдиқланди. Бу вирусли гепатит С негизида ривожланган жигар сиррозларида фиброз жараёнлари жадалроқ кечишини кўрсатиб ўз вақтида патогенетик терапия ўтказишга маълумот беради.

Абдулазизхожиев Бобурбек Расулжон ўғлининг “Сурункали гепатит В ва С негизида ривожланган жигар сиррозларида комплекс муолажаларнинг гепаторенал синдромга таъсири” мавзусидаги услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 14 декабр ойидаги даги 8н-р 14/81-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсияномадан фойдаланиш гепаторенал синдромни эрта аниқлаш ва муолажаларни назорат қилиш имкониятини берилган

3-Илмий янгилик

Илмий янгиликнинг моҳияти: Вирусли гепатит В ва С негизида ривожланган жигар сиррозлари натижасида юзага келган гепаторенал синдромда жигар ва буйракдаги фиброз жараёнлари муштаракликда кечиши илк марта сийдикда ИВ тип коллагенни текшириш ёрдамида тасдиқланган.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: Сурункали гепатит В ва С негизида ривожланган жигар сиррози оқибатида юзага келган гепаторенал синдромда фиброз маркери ИВ тип коллагенни сийдикдаги миқдорини аниқлаш ўтказилаётган комплекс муолажалар самарадорлигини баҳолашда қўллаш мумкинлиги тасдиқланган.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Наманган вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази (12.12.2022 й.; №5), Фарғона вилояти Ўзбекистон ТТБ марказий шифохонаси (14.12.2022 й.; №4) амалиётга жорий этилди.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: вирусли жигар сиррозлари негизида ривожланган гепаторенал синдромни ташхислашда буйракдаги патологик жараённи аниқлашда қўлланиладиган замонавий маркер сийдикдаги ИВ тип коллагенни текшириш ёрдамида фойдаланиш унинг функционал захираси ҳолати ва фиброз жараёнларини эрта аниқлаш имкониятини яратган; вирусли жигар сиррозида гепаторенал синдромини эрта ташхислаб ўз вақтида патогенетик терапия ўтказилишда буйрақлар трансплантатсиясиз беморларни 4-10% яхшиланиши кузатилди ва асоратларни камайишига эришилди; таклиф этилган диагностик алгоритмлар ва комплекс ёндашувдан фойдаланиш вирусли жигар сиррозида гепаторенал синдромни ташхислаш ва даволаш сифатини яхшилади.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:

Вирусли жигар сиррози билан гепаторенал синдроми билан диагностика қоидаларига амал қилган ҳолда ёткизишда: вирусли жигар сиррозида ривожланган гепаторенал синдром хасталанган беморларда эрта ўлим кўрсаткичини 85% га камайтиради.

Хулоса: Пешобдаги коллаген ИВ кўрсаткичлари вирусли гепатит В негизида ривожланган жигар сиррозида $242.33 \pm 3,85$ мкг, унинг С шаклида $259,48 \pm 3,55$ мкг га тенг бўлиб улар бир - биридан ишончли фарқ қилди ($P < 0.001$) ва кўрсаткичлар сўнги гуруҳ жигар сиррозида юқорилиги тасдиқланди. Бу вирусли гепатит С негизида ривожланган жигар сиррозларида фиброз жараёнлари жадалроқ кечишини кўрсатди ва пешобдаги коллаген ИВ аниқлаш турли этиологияли жигар сиррозида буйракдаги фиброз жараёни қандай кетиши, уни даволаш натижаларини эрта баҳолаш жигар сиррозида ривожланган гепаторенал синдроми билан даволанган беморни статсионарда ётиш иқтисод этилади ва ҳаёт давомийлиги ортиши кузатилади. 4-10% га.

Абдулазизхожиев Бобурбек Расулжон ўғлининг “Сурункали гепатит В ва С негизида ривожланган жигар сиррозларида комплекс муолажаларнинг гепаторенал синдромга таъсири” мавзусидаги услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 14 декабр ойидаги даги 8н-р 14/81-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсияномадан фойдаланиш гепаторенал синдромни эрта аниқлаш ва муолажаларни назорат қилиш имкониятини берилган

4-Илмий янгилик

Илмий янгиликнинг моҳияти: вирусли жигар сиррозида гепаторенал синдромини эрта даврда ташхислаб стандарт давоси негизида эплеренон + Л-орнитин Л-аспартат ва глутатион қўллаш антифибротик таъсири кузатилди.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: олинган натижалар асосида шаклланган тавсияларни амалиётга тадбиқ этилиши жигар сиррозида кузатиладиган нефропатияларни ўз вақтида аниқлаб монанд стандарт давоси негизида эплеренон + Л-орнитин Л-аспартат ва глутатион қўллаш буйракдаги патологик жараённи мўтадиллаштириши, беморларни шифохонага қайта ётишлари сонини камайишига ва шифо жараёнини тезлаштиради, ётоқ кунини қисқартиради.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Наманган вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази (12.12.2022 й.; №5), Фарғона вилояти Ўзбекистон ТТБ марказий шифохонаси (14.12.2022 й.; №4) амалиётга жорий этилди.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: сурункали гепатит В ва С негизида ривожланган жигар сиррози оқибатида юзага келган гепаторенал синдромни комплекс даволаш режасида глутатион ва эплеренонни қўшиш ёрдамида уларнинг нефропротектив ва антифиброз таъсирида буйракдаги патологик жараёнлар барқарорлашиши исботланган.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: беморнинг шифохонадаги даври учун: беморнинг шифохонада қолиш муддатини 12 кундан 8 кунгача кунга қисқарттириб, шифохонада қолиш тўлов миқдори 12 кунлик статсионардаги даво ётоғи 1200 000 сўмдан 8 кунлик 850000 сўмга иқтисод қилинди 350 минг сўмга камайтирди (ТТБ нинг прејскурантига кўра шифохонада 1 кун қолиш 100.000 сўмни ташкил қилади); реабилитация харажатларини 590000 сўмга камайтиради (1 кунга ўртача 120 000 сўм дори воситалари сарфланади дори воситалари сарфланади);

Хулоса: Коллаген ИВ кўрсаткичлари гепатит В вируси оқибатида ривожланган жигар сиррозида комплекс даво негизида эплеренон + Л-орнитин Л-аспартат ва глутатион қўшиб ўтказилган комплекс муолажалардан кейин $245.37 \pm 5,2$ мкг дан $224.6 \pm 6,4$ мкг га камайиб фарқлар ишончли бўлди ($p < 0,05$). Гепатит С негизида ривожланган жигар сиррозида эса бу рақамлар мос равишда 256 ± 4.2 мкг ва 224 ± 4.25 мкг га тенг бўлиб ишончли ўзгаришлар қайд этилди ($p < 0,001$). Буни эплеренон ва глутатион препаратларининг антифиброз таъсири билан боғлаш мумкин.

Абдулазизхожиев Бобурбек Расулжон ўғлининг “Сурункали гепатит В ва С негизида ривожланган жигар сиррозларида комплекс муолажаларнинг гепаторенал синдромга таъсири” мавзусидаги услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 14 декабр ойидаги даги 8н-р 14/81-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсияномадан фойдаланиш гепаторенал синдромни эрта аниқлаш ва муолажаларни назорат қилиш имкониятини берилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 4 боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 112 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва ушбу ишга талаб асослаб берилган, унинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотнинг Ўзбекистон республикаси фан ҳамда технологияларининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга тадбиқ этилиши, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби адабиётлар таҳлилига бағишланган. Муаммонинг замонавий ҳолати бўйича маҳаллий ва хорижий адабиётлардаги маълумотлар ўрганилган. Унда жаҳонда, шу жумладан, Республикамизда жигар циррозининг тарқалиши унда вирусли гепатитларнинг аҳамияти, касалликнинг ривожланиш механизмлари ва турли асоратлари батафсил ёритилган. Хусусан, гепаторенал синдромнинг юзага келиши, унинг турлари ва мазкур оғир асоратнинг кечиши билан бир қаторда амалий тиббиётда кам ўрганилганлиги кўрсатилган ҳамда муаммони ўрганиш алоҳида аҳамиятга эга эканлиги таъкидланган. Ушбу бобда адабиётлардаги маълумотлар умумлаштирилган ва муаммонинг долзарблиги асосланган.

Диссертациянинг «**Материал ва усуллар**» деб номланган иккинчи бобида объект, предметлар ва тадқиқот ҳамда унда қўлланилган статистик усуллар келтирилган. Тадқиқотга жалб қилинган гепатит В ва С негизида ривожланган жигар циррози мавжуд ҳамда гепаторенал синдроми аниқланган беморлар икки гуруҳга ажратилганлар. Уларнинг биринчи гуруҳи вирусли гепатит В негизида юзага келган жигар циррозига чалинган 60 нафар беморлардан иборат бўлиб 28 эркаклар (46.7%) ва 32 аёллар (53.3%), ўртача ёшлари 46.44 ± 1.38 ташкил қилди. Иккинчи гуруҳ сурункали гепатит С оқибатида юзага келган жигар циррозига чалинган 64 та беморлардан иборат бўлди. 3 бемор қизилўнгач веналаридан қон кетиши ва 1 нафари гепатокарсиномадан оламдан ўтди ва улар кузаувдагилар гуруҳига киритилмадилар. Қолган 60 нафар беморларнинг 25 эркаклар (41,6%) ва 35 аёллар (58,4%), ўртача ёшлари 48.82 ± 1.6 тенг бўлди. Уларнинг 45% ини 1 генотип, 15% и 2 генотип ва 13 % 3 генотипдаги беморлар ташкил этдилар. Қолган ҳолларда генотиплар аниқланмади.

Иккала гуруҳ беморлари олиб борилган турли таркибли комплекс даво муолажалари самарадорлигини баҳолаш мақсадида ҳар бири 30 нафардан иборат бўлган иккитадан кичик гуруҳларга ажратилдилар. Биринчи кичик гуруҳларга жигар циррозининг комплекс давоси негизида спиронолактон (верошпирон) + L-орнитин L-аспартат ва иккинчи кичик гуруҳларга жигар циррозининг комплекс давоси негизида эпленеренон + L-орнитин L-аспартат + глутатион дори препаратлари буюрилди. Шунингдек, иккинчи гуруҳ беморларга кўрсатмалар ва қарши кўрсатмаларни инобатга олиб ҳамда уларнинг генотипларини инобатга олган ҳолда вирусга қарши препаратлар монанд дозаларда буюрилди. Кўрсатмалардан келиб чикиб бир неча мартаба 1 кг тана вазнига 1 мг миқдорда албумин препаратлари вена ичига юборилди.

Олдимизга қўйилган мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб беморлар Андижон давлат тиббиёт институти клиникасида мукамал клиник ҳамда лаборатор – асбобий текширишлардан ўтказилиб 3 ой давомида амбулатор шароитда кузатувда бўлдилар.

Тадқиқот усуллари.Текшириш режаси қўйидагиларни қамраб олди. Беморларни шикоят, анамнези, объектив кўрик. Анамнез йиғишда уларни касби, спиртли ичимликларни истеъмол қилган бўлса муддати, ҳафта давомида давомийлигига (кунда, ҳафтада, ойда 1 марта оз-оз миқдорда ёки 200-300-500 мл ёки ундан кўп) алоҳида эътибор берилди. Шунингдек, шикоятлари синчковлик билан сўралиб, объектив кўриқдан ўтказилди.

Кузатувдаги беморларда умумқабул қилинган лаборатор асбобий текшурвлар (умумий қон ва пешоб таҳлили, қон биокимёвий таҳлили – мочевина, креатинин, билирубин ва ферментлар, гастродифиброскопия, жигар ва буйрак ултратовуш текшируви) билан бир қаторда креатинин ёрдамида 0.45 % ни натрий хлор юкламаси билан буйрак функционал захираси (БФЗ), шунингдек, IV тип коллаген муолажалардан олдин ва кейин аниқланди.

Сийдикда IV тип коллаген қўйидагича аниқланди. Уни сийдикда аниқлашда ўрамада 96 тестдан иборат бўлган Вектор бест иммунофермент анализ (ИФА) тўпламидан фойдаланилди. Ушбу реактивлар (Вектор-бест, Россия) мажмуи СОL4 ни одам қонида, плазмасида, хужайра гомогенатлари, хужайравий лизат ва бошқа биологик суюқликларда *in vitro* шароитида иммунофермент усулда аниқлаш имконини беради.

Коптокчалар филтрацияси тезлиги зардобдаги креатинин миқдори бўйича 2011 йили модификация қилинган СКD-EPI (2009) формуласи (<http://nefrosovet.ru/>сайтидаги on-line ҳисоблагич кўмагида) ёрдамида ҳисобланди.

Коптокчалар филтрацияси инфузия ёки суюқликларни меъеридан ортиқ ичилганда, оксил миқдори юқори маҳсулотлар истеъмол қилганда ортишини ва жисмоний зўриқиш ҳамда салбий эмоциялар таъсирида камайишини ҳисоб олган ҳолда, ушбу кўрсаткични тўғри баҳолаш учун беморларни юқорида санаб ўтилган омиллардан холи қилдик. Сурункали буйрак касаллиги босқичлари замонавий тавсияларга мувофиқ аниқланди. 1-босқич – буйрак зарарланиши маркерлари мавжуд ва КФТ меърида ёки $u \geq 90$ мл/дакика/1,73 м² бўлганда. 2-босқич - буйрак зарарланиши маркерлари мавжуд ва КФТ 60-89 мл/дакика/1,73 м² бўлганда. 3а ва 3б босқичлар – КФТ мутаносиб равишда 45-59 ва 30-44 мл/дакика/1,73 м² пасайганда. 4 ва 5-босқичлар – КФТ мутаносиб равишда 15-29 ва <15 мл/дакика/1,73 м² пасайганда.

СКD-EPI (Chronic Kidney Disease Epidemiology Collaboration) формулаларидан фойдаланиб креатинин ёрдамида ҳисоблаб топилган коптокчалар филтрацияси тезлиги ва унга асосланиб буйраклар функционал захираси аниқланди. Қонда креатинин миқдори ва унинг ёрдамида КФТ аниқлаш мақсадида веноз қон олиниб ундан сўнг тана вазнининг 0.5 % миқдорида 0.45 – 0.50 % ли натрий хлор эритмаси (ўртача 400 мл) ичишга буюрилди. Бемор ундан сўнг 1 соат давомида тинч ўтирган ҳолатда

кузатилди. Бир соат ўтгач креатинин миқдорини аниқлаш мақсадида қайта веноз қон олинди ва қуйидаги формула ёрдамида БФЗ аниқланди.

$$\text{БФЗ} = (\text{КФТ2} - \text{КФТ1}) / \text{КФТ1} \times 100 \%$$

КФТ1 – унинг бошланғич кўрсаткичи

КФТ2 – ўтказилган юкламадан кейинги кўрсаткичи

Олинган натижаларга қараб БФЗ сақланган (КФТ ўсиши 10% кўп бўлса), пасайган (КФТ 5-10% оралиғида бўлса) ва захира йўқ (ўсиш 5% ва ундан кам бўлса) деб баҳоланди [Иванов Д.Д., 2019].

Тадқиқотда олинган маълумотларга статистик ишлов беришда MS Excel (2013) пакетли компьютер дастуридан фойдаланилди. Барча жадвалларда келтирилган кўрсаткичларнинг ўртача арифметик ва стандарт оғишлари ($M \pm m$) ҳисобланди. Гуруҳлар ўртасидаги тафовутлар ишончлилиги Стюдент мезонларини тоқ ва жуфт фарқларини қўллаш орқали аниқланди. Корреляцион таҳлил Пирсон корреляцион коэффицентини қўллаш ва унинг аҳамиятини ишончлилик жадваллари асосида аниқлаш орқали ўтказилди.

Диссертациянинг учинчи бобида шахсий текшириш натижалари баён қилинган. Унинг биринчи параграфи “**Сурункали гепатит В ва С негизида ривожланган жигар циррози аниқланган беморлар шикоятларининг муолажалардан олдинги солиштирма таҳлили**” деб номланиб, унда муолажалардан олдин беморларнинг шикоятлари таққослаб ўрганилган.

Бунда сурункали гепатит В негизида ривожланган жигар циррози мавжуд гуруҳда қатор ҳолатларда сурункали гепатит С негизида ривожланган жигар циррози мавжуд беморларга нисбатан айрим шикоятлари ва касаллик ташқи белгилари ишончли юқори эканлиги тасдиқланди. Улар тўғрисидаги маълумотлар 1- жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Кузатувдаги сурункали гепатит В ва С негизида ривожланган жигар циррози мавжуд гуруҳлардаги беморларнинг шикоятлари ва касалликнинг айрим ташқи белгилари.

№	Кўрсаткичлар	Сурункали гепатит В негизида ривожланган жигар циррози n=60	Сурункали гепатит С негизида ривожланган жигар циррози n=60	P
1	Ўнг қовурға соҳада оғриқ ва оғирлик хисси	12 (20%)	24 (40%)	p<0.001
2	Зарда қайнаши	9 (15 %)	12 (20 %)	p>0.05
3	Кекириш	4 (6,6%)	5 (8,3%)	p>0.05
4	Склераларнинг сарғайганлиги	41 (68%)	29 (49%)	p<0.001
5	Кўнгил айниши	21 (35 %)	39 (65%)	p<0.001

6	Қорин дам бўлиши	50 (83,3%)	46 (76,6%)	p<0.01
7	Қабзият	30 (50%)	33 (55 %)	p>0.05
8	Ичнинг мўтадил бўлмаслиги	6 (10%)	9 (15 %)	p>0.05
9	Иштаха пасайиши	54 (90 %)	57 (95%)	p>0.05
10	Уйқу бузилиши ва эслаш қобилиятини пасайиши	48 (80%)	39 (65%)	p<0.001
11	Сусткашлик	21 (36%)	11 (18%)	p<0.001
12	Дисфагия	48 (80 %)	51 (85%)	p>0.05
13	Тери ва шиллик қаватларнинг рангпарлиги	45 (75 %)	51 (85%)	p>0.05
14	Тери қичишиши	51 (85 %)	54 (90 %)	p>0.05
15	Терида томир юлдузчалари мавжудлиги	47 (78%)	48 (80%)	p>0.05
16	Тана мушаклари атрофияси	20 (34%)	21 (35%)	p>0.05
17	Киндик атрофида вена томирлари варикоз кенгайиши	6 (10%)	9 (15 %)	p<0.05
18	Асцит	6 (10%)	3 (5%)	p<0.05
19	Перифериг шишлар	23 (38%)	8 (14%)	p<0.001
20	Жигар энцефалопатияси	48 (80%)	39 (65%)	p<0.05
21	Қизилўнгачнинг кенгайган веналаридан қон кетиш	32 (53%)	40 (67%)	p<0.001
22	Геморагик синдром	10 (17%)	23 (38%)	p<0.001
23	Якқол намоён бўлган холсизлик	27 (45%)	23 (39%)	p<0.01

Ўтказилган солиштирма таҳлил вирусли гепатит В ва С негизида ривожланган жигар циррозларида аксарият ҳолларда беморларнинг шикоятлари ва айрим ташқи клиник белгилари бир биридан ишончли фарқ қилмаслигини тасдиқлади. Шу билан бир қаторда жигар энцефалопатияси ва асцитик синдром кўпроқ гепатит В негизида ривожланган жигар циррозида, геморагик синдром ва қизилўнгач веналаридан қон кетиши эса кўпроқ унинг С шаклида кузатилди ва биз олган натижалар адабиётлардаги маълумотларга мос келади.

Ушбу бобнинг иккинчи параграфи эса “**Сурункали гепатит В ва С негизида ривожланган жигар циррози аниқланган беморларда қоннинг**

умумий ва биокимёвий таҳлили, коагулограмма кўрсаткичларининг ҳамда сийдикда коллаген IVнинг муолажалардан олдинги солиштирма таҳлили” деб номланган. Унда сурункали гепатит В ва С негизида ривожланган жигар циррози аниқланган беморларда дастлаб қоннинг умумий таҳлили ўтказилди.

Сурункали гепатит В негизида ривожланган жигар циррози мавжуд биринчи гуруҳ беморларда гемоглобин кўрсаткичлари $101,9 \pm 0,85$ г/л ва иккинчи гуруҳ беморларда $96,6 \pm 0,82$ г/л ни ташкил қилди ҳамда улар ўзаро солиштирганда фарқлар юқори ишончли бўлди ($P < 0,01$). Шу билан бир қаторда ҳар иккала ҳолатда ҳам енгил даражадаги камқонлик мавжудлиги тасдиқланди. Жигар циррозларида камқонлик ривожланишининг патогенези мураккаб ва тури туман бўлиб, унда суяк илигида эритробластларнинг пролиферация жараёнлари ва етилиши бузилиши оқибатида тўлиқ шаклланмаган эритроцитларнинг периферик қонга чиқиши муҳим аҳамиятга эга. Ундан ташқари вируснинг эритроцитларга токсик таъсири, темир, фолат кислотаси ва В12 витаминини сўрилиши бузилиши, шунингдек талоқда эритроцитлар парчалиниши оқибатида ҳам камқонлик ривожланиши мумкин.

Лейкоцитлар сони иккала гуруҳда мос равишда $10,62 \pm 0,15 \times 10^3$ л ва $10,4 \pm 0,15 \times 10^3$ ни ташкил қилди ($P > 0,05$). Гематокрит кўрсаткичи биринчи гуруҳда $32,48 \pm 0,26$ ва иккинчи гуруҳда $31,88 \pm 0,35$ бўлиб ишончли фарқ аниқланмади ($P > 0,05$). Тромбоцитлар сони биринчи ва иккинчи гуруҳда мос равишда $134,1 \pm 1,13 \times 10^3$ л ва $132,1 \pm 1,06 \times 10^3$ л ни ташкил қилди ($P > 0,05$). Лимфоцитлар сони сурункали гепатит В негизида ривожланган жигар циррози мавжуд беморларда $17,37 \pm 0,54\% \times 10^3$ л васурункали гепатит С негизида ривожланган жигар циррози мавжуд беморларда $13,4 \pm 0,4 \times 10^3$ л ни ташкил қилиб юқори ишончли фарқлар аниқланди ($p < 0,01$). Эритроцитлар чўкиш тезлиги иккала гуруҳда мос равишда $27,6 \pm 0,46$ мм/соат ва $31,93 \pm 0,4$ мм/соат ни ташкил этди ва ўзаро солиштирганда фарқлар ишончли бўлди ($p < 0,01$).

Кузатувимиздаги беморларда коагулограмма кўрсаткичлари ҳам муолажалардан олдин ўзаро солиштирма ўрганилди. Сурункали гепатит В негизида ривожланган жигар циррози мавжуд беморларда протромбин индекси муолажадан олдин $57,2 \pm 0,56\%$, гепатит С негизида ривожланган жигар циррози мавжуд беморларда бу кўрсаткич $52,68 \pm 0,54\%$ ни ташкил этди ва фарқлар юқори ишончли бўлди ($p < 0,01$). Қисман фаол тромбопластин вақти биринчи гуруҳда $42,72 \pm 0,68$ сония ва иккинчи гуруҳда $46,75 \pm 0,81$ сонияга тенг бўлди ($p < 0,01$). Фибриноген кўрсаткичлари иккала гуруҳда мос равишда $2,5 \pm 0,06$ г/л ва $2,04 \pm 0,052$ г/л ни ташкил этди ($p < 0,01$). Халқаро меъёрлаштирилган муносабатлар кўрсаткичлари биринчи ва иккинчи гуруҳда мос равишда $1,25 \pm 0,07$ ва $1,05 \pm 0,15$ га тенг бўлиб фарқлар ишончли бўлмади ($p > 0,05$). Антитромбин III биринчи ва иккинчи гуруҳда мос равишда $54,6 \pm 0,74\%$ ва $48,92 \pm 0,83\%$ ни ташкил этиб иккала гуруҳлар орасида юқори ишончли фарқ аниқланди ($p < 0,01$). Жигар циррозида гемостаздаги ўзгаришлар кузатилишида қон ивиш ва унга қарши омиллар орасидаги

мувозанатнинг бузилиши етакчи ахамиятга эга ва антикоагулянт тизими-антитромбин III ва протеин С шулар жумласига киради. Протромбин индексининг 73% гача камайиши, қисман фаол тромбопластин вақтининг (ҚФТВ) 75% гача кўпайиши, фибриногеннинг мьёрга нисбатан 25% га камайиши қайд этилди. Қатор муаллифларнинг таъкидлашларича жигарнинг вирус таъсирида зарарланишида антитромбин III ва плазминогенни бошқа этиологияли циррозларга нисбатан камайиб кетиши аниқланган. Бунда табиий антикоагулянтлар протеин С, антитромбин III танқислиги оқибатида Виллебрант омилининг меъеридан юқорилиги сабабли қон ивиш тизими маркерлари ва шунингдек, томир- тромбоцитар бўғин фаоллашиши кузатилади. Бу ўзгаришлар прокоагулянтцион синамалари (ПТИ, ҚФТВ) қон кетиш эхтимоли юқорилигини кўрсатса ҳам, тромблар ҳосил бўлиш эхтимоли юқорилигидан далолат беради. Ушбу ўрганилган синамаларнинг турли томонга йўналиши коагулопатиянинг лаборатор белгиси ҳисобланади [Богусевич С.А., 2016 й.].

Тадқиқот давомида гепатит В ва С негизида жигар циррози ривожланган беморларда қоннинг биокимёвий таҳлили, буйраклар функционал захираси ва сийдикда коллаген IV миқдори аниқланди. Улар тўғрисидаги маълумотлар 2- жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Сурункали гепатит В ва С негизида ривожланган жигар циррози аниқланган гуруҳлардаги беморларнинг даволашдан олдинги қон биокимёвий таҳлили ва сийдикдаги коллаген IV кўрсаткичлари.

